



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 4 июнь, № 117 (7619)

Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 июнь куни камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари давлатимизда пандемия билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Сўнгги ўн кунда ўрта ҳисобда кунига 70 — 80 кишида касаллик аниқлангани, ҳали хотиржамликка ўрин йўқлигини таъкидлади.

Охириги бир ойда 32 та чартер рейс орқали 8 мингга яқин, чегара постлари орқали 20 мингдан ортиқ фуқаролар юртимизга олиб келинган. Уларнинг кўпчилигида касаллик топилган. Шунингдек, қарийб 200 нафар халқро юк ташувчи ҳайдовчиларда коронавирус аниқланган. Умуман, ҳозирги кунда уй шароитида 26 минг, стационарда 21 минг киши карантинда қолмоқда.

“Кизил” ва “сарик” ҳудудлар ҳисобланган вилоят, шаҳар ва туманларда карантин қоидаларига қатъий амал қилиш шартлиги яна бир бор айтиб ўтилди.

Пандемия шароитида энг фаровон давлатларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш катта муаммо бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳам ишсизлар сони кўпайди. Шунингдек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, пандемия 450 мингга яқин оилалар даромадига жиддий таъсир қилиши мумкин.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари. Бу борада комплекс ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган, вазирлар, ҳокимлар ва секторлар раҳбарларининг вазифалари белгилаб берилган.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар ҳамда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш учун рўйхатлар шакллантирилган. Уларга мувофиқ, бугунги кунга қадар шундай оилаларнинг 540 мингтасига 307 миллиард сўмлик кўмак берилди.

Давлатимиз раҳбари асосий мақсад камбағал оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, уларни муҳтожликдан чиқариш экани, шунинг учун ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро-

нинг муаммоси билан алоҳида шугулланиш зарурлигини таъкидлади.

— Бу синовли даврда рақамлар ортидан қуввиш эмас, балки халқни рози қилиш учун чин кўнгилдан ишлаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланганидек, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари энг қийналган ва муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириб, уларни камбағалликдан ҳалос этиш режасини ишлаб чиқади. Вилоят ҳокимининг иқтисодий ва маҳалла масалалари бўйича ўринбосарлари секторлар ҳамда тижорат банклари ишчи мувофиқлаштириб, ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга масъул бўлади. Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Республика штаби уларнинг ҳисоботини эшитиб, муаммоларини ҳал қилишга вазирлик ва идоралар, тижорат банклари жалб қилади.

Ушбу тизим Ягона ижтимоий реестр учун ҳам катта замин бўлади. Мутасаддиларга йил охиригача мазкур реестрни вазирлик — вилоят — туман — маҳалла кесимида тўлиқ жорий этиш бўйича кўрсатма берилди. Камбағаллик чегараси ва мезонларининг жаҳон амалиётида тан олинган 4 та ҳисоблаш усули Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани мисолида синовдан ўтказилиши белгиланди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига жорий йил 1 октябргача тирикчилик учун зарур энг кам микдор ва минимал истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ишсизлик даражаси юқори, инфратузилма тarmoқлари етишмайдиган туманлар, айниқса, чегарадош ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича алоҳида ёндашув бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бош вазир ўринбосарларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шундай туманларда аҳоли бандлигини ошириш ва яшаш шароитини яхшилаш, инфратузилма ривожлантиришга қаратил-

ган дастурлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, карантин чораларини юмшатиш натижасида 17 мингдан зиёд саноат ва 10 мингта қурилиш соҳасидаги корхоналар фаолияти тикланди. Лекин уларнинг кўпидея маблағ оқимлари қарантингача бўлган даврдиги нисбатан 3 баравар камайиб кетган.

Марказий банк ҳисобварағида пул айланмаси етарли бўлмаган корхоналар муаммоларини аниқлаб, уларга кўмаклашиш бўйича кўрсатма берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 300 минг аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш, 265 минг нафарини ишга жойлаштириш, жумладан, вазирлик жамғармаси ҳисобидан шахсий томорқаларга 36 миллиард сўм субсидия ажратиш орқали 18 минг камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурига қўшимча 1 триллион сўм маблағ ажратилди. Умуман айтганда эса жорий йилда оилавий тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Президентимиз топшириғига кўра, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш соддалаштирилди.

Ушбу маблағларни самарадорлиги юқори ва кафолатланган иш ўринлари яратадиган кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳунармандчилик учун бугунги кунга қадар 190 миллиард сўм ажратилган. Аммо Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятларида бу маблағларнинг бу борада зарур чоралар қўрилиб, ўзлаштириш сурати танқид қилинди.

Жорий йилда саноат соҳасида 7,5 мингта ҳудудий лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 145 минг нафар камбағал аҳолини ишга жойлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, қўямати қарийб 11 миллиард доллар бўлган 206 та йирик ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириб, 31 мингдан зиёд юқори даромадли иш ўринлари яратиш чоралари белгиланган.

Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирига ушбу лойиҳаларни ўз вақтида бажариш бўйича топшириқлар берилди.

Кишлоқ хўжалигида ҳам камбағалликни қисқартириш бўйича имкониятлар кўп. Йиғилишда қайд этилганидек, биринчи ярим йилликда 38 минг гектар ерни оборотга киритиш ҳисобига 25 минг нафар, йил якунига қадар яна қўшимча 51 минг гектарни ўзлаштириш эвазига 45 минг одам бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бу ерларнинг 20 минг гектари кам таъминланган оилаларга берилди.

Худди шунингдек, қалладан бўшайдиган 120 минг гектар майдонни такрорий экин учун ажратиб, 300 мингга яқин оилаларга даромад манбаи яратиш белгиланган. Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластерларининг 965 миллион долларлик 107 лойиҳасини амалга ошириш натижасида 28 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан кам таъминланган 28 минг хондонга насли эчки, 50 мингта оилага парранда, 100 мингтасига насли кўён тарқатилди.

Қурилиш соҳасидаги имкониятлар кўриб чиқилар экан, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган 3,6 триллион сўм ҳисобидан бажариладиган қурилиш-пудрат ишларига 85 минг нафар одамни жалб қилиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Карантиннинг биринчи кунларидан бу борада зарур чоралар қўрилиб, ижтимоий нафақа олувчилар сони 10 фоизга оширилган эди.

Бугунги кунда боқувчисини йўқотган оилалар сони 155 минг, 5 нафардан ортиқ фарзандлари бор кам таъминланган оилалар сони 81 минг, ёлғиз яшовчи кексалар 16 минг нафарни ташкил этмоқда. Лекин ажратилаётган ижтимоий ёрдамлар эҳтиёжмандларга тўлиқ етиб бормаётган ҳолатлар ҳам кўп. Шу боис Маҳалла ва оилани

қўллаб-қувватлаш вазирлигига қўшимча ажратилган 992 миллиард сўм маблағни ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармасидаги 70 миллиард сўм қолдиқни муҳтож оилаларга аниқ ва адолатли етказиш бўйича қатъий топширик берилди.

Пандемия даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорлар доирасида йил якунига қадар қўшимча 235 мингдан зиёд оилаларга моддий ёрдам ажратилиши қайд этилди.

Йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш ва бозорлардаги нарх-наво бақаролигини сақлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Парранда гўшти, шоли, картошка талабга нисбатан кам етиштирилаётгани қайд этилиб, ушбу маҳсулотларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Бунда хорижий давлатлар, хусусан, картошка бўйича Нидерландия, шоли ва балиқчилик бўйича Вьетнам тажрибалиридан фойдаланиш яхши натижа беради.

Бундан ташқари ҳам аграр соҳада ишлатилмаётган резервлар етарлилиги таъкидланди. Мисол учун, бир вақтлар Наманган ва Навоий вилоятларида жунни қайта ишлаш бўйича қувватлар мавжуд бўлган.

Бу йўналишда кўплаб одамларни иш билан таъминлаш ва экспорт товарлар тури ва ҳажминини кўпайтириш имконияти бор. Жундан рўмол, гилам каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш аҳоли ўзини ўзи банд қилишининг муҳим йўналиши бўлиши лозимлиги қайд этилди, бу борада манзилли лойиҳаларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар, вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари биринчи ярим йил якуни бўйича нечта иш ўрни яратилиши, камбағал оилаларни қанчага қисқартириши, 9 ой ва йил охиригача мўлжалланган режалари юзасидан ҳисобот берди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Қизғин тортишувлар қонунлар мукамал қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг икки кун давом этган навбатдаги ялпи мажлисида иккита қонун лойиҳасини масъул кўмитага қайтаришди. Қонун лойиҳаларидаги ҳар бир модда қизғин тортишувлар билан батафсил, кенг муҳокама қилинди. Бундай ёндашув, айтиш жоизки, ҳар бир ҳужжатнинг мукамал, пишиқ-пухта бўлишини таъминлайди. Зеро, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш, уларнинг ҳалқимиз ҳаётидаги таъсирчанлигини ошириш ҳамда назоратини қучайтириш парламент олдидаги устувор мақсад саналади.

Аудиторлик фаолиятига оид лойиҳа депутатлар «аудитидан» ўтолмади

Мажлисида иккинчи кўришда муҳокама қилинган янги тахрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган бугунги манзара молиявий ҳамда ҳужалик-иқтисодий йўналишдаги назоратлар изчил ва пухта, қонун доирасида ўтказилишини тақозо эт-

моқда. Қонун лойиҳасида тақлиф қилинаётган эъгартиш ва қўшимчалар эса аудитни тартибга солиш соҳасидаги синовдан ўтган халқро амалиёт принципларига асосланган. Депутатлар муҳокама чоғида масаланинг ашу шу ҳақларини эътиборга олган ҳолда таҳқиқ қилишди.



«Ҳукумат соати»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” ўтказилди. Унда депутатлар мактабгача таълим ташкилотларида болаларни миллий-маънавий қадриятларимизга мувофиқ тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилишди.

Фарзандларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ишлари ҳолати қандай?

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мактабгача таълим вазирлиги Агрепина Шин депутатлар саволларига жавоб берди.

Таълимнинг бошланғич, шу билан бир пайтда, энг муҳим бўлини ҳисобланган мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Тизимни ислоҳ қилиш ва тақомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг қатор Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилнинг 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор болаларнинг мактабгача таълим билан қамроғини таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларини

замонавий ўқув-методик материаллар ва бадий адабиётлар билан тўлдириб, соҳага малакали педагог ҳамда бошқарув кадрларини жалб қилиш борасидаги имкониятларни кенгайтди.

Вазир таъкидлаб ўтганидек, ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида 2019 йилда мактабгача таълим соҳасининг ривожини устувор Давлат бюджетидан 6,1 триллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур маблағдан мақсадли ва самарадор фойдаланилгани боис мамлакатимизда 2020 йилнинг биринчи чорагида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2018 йилдаги 37,7 фоиздан 54 фоизга етказилди.

Давлат-хусусий шериклик асосида 59 097 ўринга эга 692 та, 164 133 ўринга эга 6 715 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият қўрсата бошлади.



Янгилик

СЕНАТ ҲУЗУРИДА ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузурида Ёшлар парламентини ташкил этиш бўйича Сенат Кенгаши қарори, Ёшлар парламенти низоми ва Ёшлар парламентини ташкил этиш ҳамда фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳалари ишлаб чиқилди. Айни пайтда улар маҳаллий Кенгашларда муҳокама этилмоқда.

Ушбу лойиҳага кўра, Ёшлар парламенти аъзолари мамлакатимизнинг барча ҳудудда турли йўналишларда фаолият олиб бораётган ташаббускор, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга, кенг дунёқараш ва чуқур билим ҳамда ли-

дерлик салоҳиятига эга 18 — 30 ёшли фуқаролардан шакллантирилади. Бу жараёнда гендер тенглик таъминланади ва жисмоний имконияти чекланган ёшлар ҳам кенг жалб этилади. Уларнинг умумий сони 100 нафарни ташкил қилади.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДАГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Иқтисодий эркинлик индекси / Index of economic freedom

2020 INDEX OF ECONOMIC FREEDOM

152-ўрин (2018), 140-ўрин (2019), 114-ўрин (2020)

Манба: www.heritage.org

180 та давлат ичيدا

Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси / The UN E-Government development index

UNITED NATIONS E-GOVERNMENT SURVEY 2018

100-ўрин (2014), 81-ўрин (2018), 80-ўрин (2016), 193 та давлат ичيدا

Манба: publicadministration.un.org

DOING BUSINESS 2020 Бизнес юритиш / Doing business

DOING BUSINESS 2020

74-ўрин (2017), 76-ўрин (2018), 69-ўрин (2019), 87-ўрин (2020)

190 та давлат ичيدا

Манба: www.doingbusiness.org

Freedom House

3 балл (2017), 7 балл (2018), 9 балл (2019), 10 балл (2020)

Манба: freedomhouse.org

USCIRF — АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси 2019 йилда дунёда эътиқод эркинлиги ҳолати баҳоланган навбатдаги ҳисоботида Ўзбекистонни “Диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар” рўйхатидан чиқарди.

Манба: www.uscifr.gov



Қизғин тортишувлар қонунлар мукамал қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга

Қайд этилганидек, халқаро принцип ва илгор тажрибалар асосида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини соддалаштириш ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун қозғош шаклдаги лицензия беришни бекор қилиш қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади.

Қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқиш чоғида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси томонидан иккинчи ўқишга тақдим этилган лойиҳа тахрири депутатлар ўртасида қўллаб-қувватлаш келтириб чиқарди.

Хусусан, малака сертификат

бўлса-да, аудитор тўғрисидаги маълумотлар аудиторлар реестрига киритилмаган ва ваколатли органнинг веб-сайтида жойлаштирилмаган тақдирда, мазкур фаолият билан шугулланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги, шунингдек, алоҳида моддада баён этилган асосий тушунчалар депутатлар тортишувига олиб келди. Айрим депутатлар аудиторлик ташкилотлари тадбиркорлик субъекти, деб ҳисобланиши ёки бундай эмаслиги борасидаги ўз фикрларини билдиришди.

Қизғин тортишувлардан сўнг депутатларнинг кўпчилиги овози билан қонун лойиҳаси тақомилга етказиш ва Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокама-сига иккинчи ўқишда қайта киритиш учун кўмитага қайтарилди.

Айрим нормалар жиддий эътирозга сабаб бўлди

Қабул қилинганга ўн икки йил бўлган амалдаги "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда ногиронликка, асосан, тиббий тушунча сифатида ёндашилди, бундай инсонлар жамиятнинг фаол иштирокчиси бўлишини таъминлашга оид ҳуқуқий асослар етарли акс эътирилмаган. Бугунги кунда муаммага тамомила ўзгача ёндашилаётганлиги мазкур йўналишдаги ишларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилапти. Соҳадаги ишларни янада тақомиллаштириш, ривожлантириш бевоисита унинг ҳуқуқий асосига боғлиқ.

Ялли мажлисда депутатлар "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда том маънода манфаатдорлик билан обдан муҳокама қилишди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглигини таъминлаш ва камситилишига йўл қўймай, шахсий ҳаётини дахлсизлик ҳуқуқи, ҳаракат эркинлиги ва фуқаролик ҳуқуқи, яратилган шароитларнинг қўлайлиги, уй-жойга бўлган ҳуқуқи каби бир қатор масалалар тўлиқ қамраб олинмаган.

Янги тахрирдаги қонун лойиҳасининг эътиборли жиҳатлари шундаки, унда юқоридаги камчиликларнинг олдини олишга қаратилган нормалар акс этяпти. Хусусан, ногиронлик белгиларини аниқ кўришни турган шахсларни қўшимча текширувлар ўтказилмасдан тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясига

юбориш қонун лойиҳасида мус-тақамлаб қўйилмоқда. Бу норма айнан сайловчилардан тушган шикоятларнинг қонуний ечимига хизмат қилади.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида худудларда ҳамда Тошкент шаҳри-да ногиронлиги бўлган шахслар, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Ногиронлар асо-сиацияси, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда экспертлар ишти-роқида жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди. Хусусан, 2020 йилнинг февраль ойида Қонунчилик палата-сидаги барча фракциялар вакилла-ри иштирокида лойиҳа муҳокама-сига бағишланган фракциялараро дебатлар ўтказилди. Мазкур жара-ёнларда билдирилган тақлиф ва тавсиялар ишчи гуруҳи томонидан таҳлил қилиниб, лойиҳа норма-ларида ўз аксини топди.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда лойиҳанинг ҳар бир моддаси халқ вакиллари томони-дан атироқда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳасининг айрим норма-лари депутатларнинг танқидига, айримлари эса жиддий эътирозлар-га сабаб бўлди.

Қонун қабул қилингандан кейин амалиётда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок эти-шига хизмат қилиши кераклиги инобатга олиниб, лойиҳанинг айрим моддаларини янада тақомил-лаштириладиган бўлди.

Кўп болали оилаларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланмоқда

Ўтказилган таҳлил натижалари-га кўра, қонун ҳужжатларида "кўп болали оила" тушунчасига турлича мезонлар белгиланган. Бу эса дав-лат томонидан берилаётган имти-ёзлардан ҳақиқатда муҳтож бўлган оилаларнинг тенг ҳуқуқий равишда фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслигини, амалиётда ҳуқуқ нор-маларини қўллашда ижтимоий адолат принципининг бузилишига шарт-шароит яратиб бераётгани-гини кўрсатмоқда. Мисол учун, "кўп болали оила" тушунчаси 21 та қонун ҳужжатида, жумладан, 5 та қонунда қўлланилган.

Ялли мажлисда биринчи ўқишда кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига қўшимча ва ўзгартиш-лар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан ана шу тушунча бирхиллаштирилмоқда.

Кўп болали оилаларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган, қонунчи-лик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу тушунчанинг бир хилда қўлла-нилишини таъминлаш мақсадида лойиҳа билан Оила кодексига ҳам

"кўп болали оила" тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақоми белгилан-ган қўшимча киритилмоқда.

Унга кўра, ота-она ёки улардан бири билан бирга яшаётган тўрт ва ундан ортққ ўн саккиз ўшга тўлмаган, шунингдек, кундузги таъ-лим шаклида таълим олаётган йи-гирма икки ўшга тўлмаган болала-ри бўлган оилалар кўп болали оила-лар ҳисобланиши белгиленяпти.

Шу билан бирга, Солиқ, Меҳнат кодекслари ҳамда "Аҳолини иш би-лан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддалари Оила кодексига киритилиши тақ-лиф этилаётган қўшимчага муво-фиқлаштирилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши қонун-чилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиё-тидаги турли хил ёндашувлар бар-тарafd этилишига хизмат қилади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

Фарзандларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ишлари ҳолати қандай?

Мамлакатимиздаги барча мактабгача таълим ташкилотларида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда "Болалик кунларида" лойиҳаси доирасида ўзбек халқ эртакларининг аудио талқини яратилди.

Шунингдек, чекка қишлоқлардаги мактабгача таълим ва тарбия ташкилотларида болаларни маънавий ва жисмоний тарбиялаш орқали уларнинг соғлом ривожланиши таъминлаш мақсадида 16 та қайта жиҳозланган автобуслар негизда ташкил этилган "Ақлов" номли мобил мактабгача таълим гуруҳларида 40 та маҳаллада 2000 бола қамраб олинди. Мазкур лойиҳанинг ижобий самараларини инобатга олган ҳолда, келгусида

лоийҳани кенг жорий этиш чоралари кўрилувчи.

Мактабгача ёшдаги барча болаларни тизимли ўқитиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ота-оналарга методик ёрдам сифатида "Илк қадам" ва "Ақлов" (100 та) видеодрасларини ўз ичига олган онлайн боғча дастури ишлаб чиқилиб, нафақат эфирга узатишда, балки ижтимоий тармоқларга ҳам жойлаштирилди.

Хозирги пандемия шароитида болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, тасвирий санъат ҳамда бадиий ижодга бўлган қизиқиш ва эътиборини мустаҳкамлаш, соғлом бўлиб воғая етишлари учун онлайн кўрик-танлов ҳамда спорт ўйинлари ташкил этилмоқда.

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган тарбиячи ва улар ёрдамчиларининг салоҳияти ҳамда билим даражаси-

ни ошириш бўйича ҳам олиб бори-

лаётган ишлар депутатлар эътиборидан четда қолмади. Вазир мазкур йўналишда депутатлар томони-дан қўйилган саволга жавоб берар экан, сўнги уч йилда "Мактабгача таълим" йўналиши бўйича мамла-катимиз олий таълим муассасала-рига қабул квоталари 2,5 баробар оширилганини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилган 97 та педагогика колле-жида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб янги давлат таълим стан-дартлари ва ўқув режалари асо-сида 10 га яқин таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим ташкилотла-рида фаолият олиб бораётган тарбиячи ва улар ёрдамчиларининг салоҳияти ҳамда билим даражаси-

ни ошириш бўйича ҳам олиб бори-

лаётган ишлар депутатлар эътиборидан четда қолмади. Вазир мазкур йўналишда депутатлар томони-дан қўйилган саволга жавоб берар экан, сўнги уч йилда "Мактабгача таълим" йўналиши бўйича мамла-катимиз олий таълим муассасала-рига қабул квоталари 2,5 баробар оширилганини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилган 97 та педагогика колле-жида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб янги давлат таълим стан-дартлари ва ўқув режалари асо-сида 10 га яқин таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим ташкилотла-рида фаолият олиб бораётган тарбиячи ва улар ёрдамчиларининг салоҳияти ҳамда билим даражаси-

ни ошириш бўйича ҳам олиб бори-

лаётган ишлар депутатлар эътиборидан четда қолмади. Вазир мазкур йўналишда депутатлар томони-дан қўйилган саволга жавоб берар экан, сўнги уч йилда "Мактабгача таълим" йўналиши бўйича мамла-катимиз олий таълим муассасала-рига қабул квоталари 2,5 баробар оширилганини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, Мактабгача таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилган 97 та педагогика колле-жида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб янги давлат таълим стан-дартлари ва ўқув режалари асо-сида 10 га яқин таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим ташкилотла-рида фаолият олиб бораётган тарбиячи ва улар ёрдамчиларининг салоҳияти ҳамда билим даражаси-

Касбий таълимга оид саволларга жавоб қайтарилди

Парламент куйи палатасида яна бир навбатдаги "Ҳукумат соати" Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ўтказилди. Унда касб-хунар таълими тизимида оид борилаётган ислохотлар, ёшларни касбий таълимга кенгроқ қамраб олиш чора-тадбирлари, таълим сифатини ошириш ва замонавий кадрлар тайёрлаш ҳолати ҳамда соҳани ривожлантиришдаги режалар тўғрисидаги масала юзасидан халқ вакиллари саволларига Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари жавоб берди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 январдаги "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими-ни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган берилган вазифалардан келиб чиқиб, мавжуд таъ-лим дастурларига қараганда мутахассислик-лар бўйича меҳнат бозоридagi реал эҳтиёж-ни аниқлаш, уларнинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсади кўрсаткичларига мувофиқли-ги, кейинчалик битирувчиларни ишга жой-лаштириш мақсадида тармоқларда потен-циал иш бевучиларни аниқлаш юзасидан касб-хунар коллежлари фаолияти ҳар томонлама танқидий ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизими-ни янада тақомиллаштиришга доир қўшим-ча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилидан янги проф-фесионал таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди. Хусусан, юртимиздаги 211 та касб-хунар коллежи 26 та вазирлик, идора ва ташкилотлар тизимида ўтказилди.

Ушбу коллежларда кадрлар тайёрлаш "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахсларни жалб қилиш, касблар ва мута-хассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилиши белгиланди.

"Ҳукумат соати"да 2020/2021 ўқув йили-дан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилин-ган Таълимнинг халқаро стандарт таснифла-ғичи (МСКО-2011) даражалари билан уйғун-лашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақ-лаштирилган таълим дастурлари жорий эти-ладиган таълим муассасалари тармоғи таш-кил этилгани ижобий баҳоланди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда вазир-лик ва идоралар тизимидаги коллежларга 80 537 нафар ўқувчи иш бевучиларнинг ўрта бўғим мутахассисларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қабул қилинмоқда. Ай-ниқса, олий таълим муассасалари ҳузурида

ташкил этилаётган техникумларга 54 658 на-фар ўқувчини олий таълимнинг бакалаврият таълим дастурлари билан интеграциялашган тегишли мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Парламент аъзоларининг қайд этишича, 2019/2020 ўқув йилида касб-хунар коллеж-лари ўқувчилари билан пандемия шароитида машғулотларни масофавий тарзда давом эттириш учун вазирлик томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда касб-хунар таъли-ми тизимида интернет тармоғидан фойдала-ниш орқали ушбу жараёнга 15 602 нафар педагог жалб этилди. Улар томонидан 136702 та масофавий таълим бериш билан боғлиқ видеодарслар, тақдимотлар, инфографика-лар, тестлар тўплами, амалий топширилган тўплами ва бошқа электрон ресурслар ўқув-чиларга етказилди.

Йиғилишда депутатлар томонидан касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари-нинг иш билан таъминланиши юзасидан олиб борилаётган ишлар, мамлакатдаги таъ-лимнинг миллий стандартлари халқаро таъ-лим стандартларига мослиги, ўқув жараёни-га инновацион юзлар, замонавий техноло-гиялар ҳамда ишланмаларни жорий этиш, касб-хунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш маса-лалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик субъектларига зарур бўлган касблар

бўйича мутахассисларни тайёрлаш ҳамда тизимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш масалалари юзаси-дан саволлар ўртага ташланди.

Депутатлар томонидан кўтарилган маса-лаларни бартараф этиш юзасидан Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг аниқ ёнда-шуви, истиқболдаги режалари атрофида баён этилди.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой кечган "Ҳукумат соати"да Олий ва Ўрта махсус таъ-лим вазирлигига касб-хунар таълими тизими-да олиб борилаётган ислохотлар, ёшларни касбий таълимга кенгроқ қамраб олиш чора-тадбирлари, таълим сифатини ошириш ва за-монавий кадрлар тайёрлаш ҳолати ҳамда со-ҳани ривожлантириш юзасидан аниқ тавсия-лар берилди. Айниқса, тизимда олиб борилаёт-ган ишларни янада жонлантириш, соҳада ўқитиш методикасини тақомиллаштириш, таъ-лим-тарбия жараёнига илгор услубларни, ху-сусан, индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш масалалари юзасидан қатор тавсиялар берилди.

Соҳага оид барча ютуқ ва камчиликлар, долзарб муаммолар таълим тизими масъу-лари ҳамда парламент аъзолари томонидан қизғин ва амалий рўҳда муҳокама этилди, аниқ вазифалар белгиланди. Келгусида тад-бирлар ижроси устидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор мушоҳадаси

Ёшлар нега жиноят кўчасига кириб қолмоқда? Хали ҳаётнинг пасту баландини англаб етмаган фарзандларимизнинг билиб-билмай ўғрилиққа қўл уришининг боиси нимада? Талончилик, фирибгарлик, ҳатто қотиллик қилишига қандай омиллар сабаб бўляпти? Буларнинг туб илдизлари қаерда?..

Ўсмирлар нега жиноятга қўл урмоқда?

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзолари томони-дан Андижон ҳамда Қаш-қадарё вилоятларида ҳуқуқбузарликларнинг бар-вақт олдини олиш ва жи-ноятчиликка қарши ку-рашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрга-нилиб, мутасаддилар олди-га шу саволлар кўндаланг қўйилди. Зеро, эртанинг эгалари бўлиши ёшларнинг жойи жазони ижро этиш муассасалари эмас, аксин-ча билим, санъат ва мада-ният ўчоқлари ҳамда олий ўқув юртлари бўлмоғи шарт.

Ўрганишлар натижасига кўра, икки вилоятда ҳам криминоген вазиятни бар-қарорлаштириш, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинли-гини ҳамда қонуний ман-фаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ўган йили Андижон ви-лоятда содир этилган уму-вий жиноятлар 3,8 фоиз, Қашқадарёда эса 3,9 фоиз камайган. Вазият худудлар бўйича ўрганилганда, Анди-жондаги 882 та маҳалладан 216 тасида, Қашқадарёда-ги 768 та маҳалладан 243 тасида умуман жиноят содир этилмагани маълум бўлди. Қатор маҳалларда жиноятлар камайган бўлса-да, айримларида криминоген вазият мурак-каблигича қолаётгани ташвишланилди.

Жиноятга қўл ураётган-лар орасида ҳали ҳаётнинг оқу қорасини тўлиқ фар-қлай олмаган ёшларнинг кам эмаслиги барчамизни ҳушёрликка қоралаш керак. Эътибор қилин-га, Қашқа-дарёда жиноят содир эт-ган шахсларнинг деярли ҳар учинчиси ёш авлод ва-киллари. Бу борадаги ахвол Андижонда ҳам яқини эмас. Қотиллик ва оғир тан жа-роҳати етказиш жиноятла-рининг деярли ярми ёшлар томонидан содир этилган. Нега? Бу, аввало, ҳуқуқбу-зарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг бар-вақт олдини олиш бораси-

дан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда етарли-ча иш олиб борилмагани-нинг оқибати эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тўри, жорий йилнинг биринчи чорағидаги кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан яхшилانган. Аммо бу хо-тиржамликка асос бўл-майди.

Тан олиш керак, ёшлар-нинг жиноят кўчасига бош сукиши тарбияда йўл қўйилган хато ёки бефарқ-ликнинг аччиқ мевасидир. Қадимдан маҳалла ёшлар тарбиясида бекбёс ўрин тутган. Маҳалла аҳли қўча-қўйда салгина тарбияси бўшроқ, ноқуя хатти-ҳара-кат қилган болани учратиб қолгудек бўлса, унга яқин сўзлар билан насиҳат қилиб, "сенинг ота-болала-ринг хурматли инсонлар, аждодларингга муносиб бўл" қабилида насиҳат қилиб, тўғри йўлга солади.

Лейкин бу каби эъзуликка йўрилган аъналаримиз бугунги кунда ҳам давом этилтипти? Халқимизнинг неча минг йиллик "маҳал-ла — отанг, маҳалла — онанг", "бир болага етти маҳалла ота-она" каби ҳик-матлари ҳали-ҳануз ўз маз-мун-моҳиятига эгами? Де-мак, ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириш ке-чктириб бўлмас вазифа-лардан.

Хўш, ўсмирлар нега жи-ноятга қўл урмоқда? Улар-нинг ота-онаси, таълим му-ассасаси, маҳалласи бун-дай ҳолатга неча бекфарқ, лоқайд муносабатда бўлмоқда?

Мутахассисларнинг фик-рига кўра, нотинч, носоғ-лом оилавий муҳитда ул-ғайётган ёки моддий таъ-минотга муҳтож болалар

бошқалар билан кўп жан-жаллашиб, уларда ўғри-лик ва безорилик каби жи-ноятларга мойиллик нисба-тан кўпроқ учрайди. Шун-нинг учун фарзанд тарбия-сига салбий таъсир кўрсат-увчи иллатларга қарши ку-рашиш, спиритли ичимлик-лар истеъмол қилишга ружу қўйган шахслар ўрта-сида профилактик-огоҳлан-тирув ишларини мунтазам олиб бориш, назоратни кучайтириш мақсада муво-фиқдир.

Халқ депутатлари Анди-жон ва Қашқадарё вилоят-лари Кенгашлари билан биргаликда ўтказилган қўша мажлислар қарорла-рига кўра, воғая етмаган-лар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олди-ни олиш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш бора-сида йўл қўйлаётган кам-чиликларни бартараф этиш, ушбу йўналишдаги ишлар қўша мажлислар билан биргаликда амалга ошириш бўлди. Туман ва шаҳарлар кесимида етим, шу жумла-дан, ота-онаси хоржга кет-ган, муомалага лаёқатсиз-лиги ва бошқа сабабларга кўра ота-она қарамоғидан четда қолган воғая етмаган шахсларнинг яшаш ва ўқиш жойларидagi ҳолатни ўрга-ниш қиқиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қара-тилди. Шунингдек, профи-лактика (катта) инспектор-ларининг жамоат тартиби-ни сақлаш бўйича ёрдам-чилари ҳамда "Фидокор ёшлар" жамоатчилик пат-руль гуруҳлари аъзолари-нинг хизмат фаолияти са-марадорлигини ошириш чо-ралари кўрилади.

Муртазо РАҲМАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Франция ва Бельгия парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳлари тузилди

Халқаро сиёсатшуносларнинг таъкидлашича, Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар, мамлакат ташқи ва ички сиёсатидаги тамоман янги ҳаётнинг Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳитнинг қарор топишига туртки бўлди.

Ўзбекистоннинг ўзаро ишонч, тенг манфаатли шерикликка асосланган ташқи сиёсати туфайли нафақат минта-қадаги давлатлар, балки узоқ-яқиндаги хорижий мамлакатлар, халқаро ташки-лот ва молиявий тузилмалар ҳам ҳам-корликни янада мустаҳкамлаш истегини билдирмоқда. Бу, ўз навбатида, икки ва кўп томонлама масалаларнинг ҳал эти-лишида муҳим омил бўлаётди.

